

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВА КАМОЛА НУРУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАРДА СОН СУЯГИ БОШЧАСИ АСЕПТИК
НЕКРОЗЛАРИНИНГ КЛИНИК-НУР ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Валиева Камола Нуруллаевна

Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозларининг клиник-нур
ташхиси ва даволаш..... 3

Валиева Камола Нуруллаевна

Клинико-лучевая диагностика и лечение асептических некрозов
головки бедренной кости у детей..... 19

Valieva Kamola Nurullaevna

Clinical and X-ray diagnostics and treatment of avascular necrosis of the
femoral head in children..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВА КАМОЛА НУРУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАРДА СОН СУЯГИ БОШЧАСИ АСЕПТИК
НЕКРОЗЛАРИНИНГ КЛИНИК-НУР ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib91 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Джураев Ахрорбек Махмудович тиббиёт фанларидоктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Поздеев Александр Павлович тиббиёт фанлари доктори, профессор Ходжанов Искандар Юнусович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «сон суяги бошчаси асептик некрози муаммоси частотасининг ўсиб бориши, узоқ муддат анъанавий консерватив даволаш самарадорлигининг пастлиги, даволашнинг оператив схемалари ва бўғинни протезлашнинг мураккаблиги ва травматиклиги туфайли болалар соғлигига таҳдид солувчи энг жиддий ҳавфлардан бири бўлиб тан олинади»¹. Замонавий жамиятда юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти нафақат касалликнинг кенг тарқалиши, балки болалар ногиронлигига олиб келгани сабабли сезиларли иқтисодий зарар келтириши билан боғлиқ. «Айниқса, патологик жараён шаклланишининг эрта босқичларида, бўғим зарарланишининг тўлиқ ва ўз вақтидаги ташхиси чаноқ-сон бўғими касалликлари кечиши прогнозига таъсир қилувчи энг аҳамиятли омиллардан бири бўлиб ҳисобланади»². Шу орада, «фақатгина 6-8% касалланганлардагина ташхис биринчи босқичда, бирламчи шикоятлар ва клиник белгилар пайдо бўлиб, лекин сон суяги бошчаси зарарланишининг рентгенологик белгилари бўлмаёки шубхали бўлганида аниқланади»³.

Дунё миқёсида тиббиёт, хусусан, замонавий травматологиянинг ривожланиши, кўрсатилаётган ихтисослаштирилган ёрдамнинг сифатини яхшилашга интилиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Болаларда асептик некроз турли шакллари клиник кўриниши ва сон суяги бошчасидаги патологик ўзгаришларнинг хусусиятларини ўрганиш муҳим вазифалардан ҳисобланади, бу эса эрта ташхис ва консерватив ёки оператив давонинг адекват турини танлаш сифатини яхшилаш имконини беради. Бугунги кунда асептик некроз жадаллашувининг олдини олиш мақсадида сон суяги некротик соҳалар ўрнини замонавий имплантатлар билан ўзгартиришнинг камшикаст усуллари ишлаб чиқиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Жумладан, чаноқ-сон бўғими соҳасида қон айланишни ва озикланишни яхшилашга қаратилган сон суяги бошчаси асептик некрозини оператив даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва қамровини сезиларли кенгайтириш борасида кенг миқёсдаги мақсадли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўтказилган тадбирлар натижасида сифатли, юқори технологик травматологик ёрдам кўрсатишда ижобий самараларга эришилди. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида, шу жумладан, травматологияда ҳам, мақсадли чоралар ўтказилишига қарамай, ўз ечимини кутаётган бир қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ Болалар травматизми тўғрисида бутунжаҳон маърузаси. Женева: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2014.

² Murphey MD, Foreman KL, Klassen-Fischer MK, Fox MG, Chung EM, Kransdorf MJ. // From the radiologic pathology archives imaging of osteonecrosis radiologic-pathologic correlation // Radiographics. 2014 Jul-Aug;34(4)

³ Ancelin D, Reina N, Cavaignac E, Delclaux S, Chiron P. Total hip arthroplasty survival in femoral head avascular necrosis versus primary hip osteoarthritis: Case-control study with a mean 10-year follow-up after anatomical cementless metal-on-metal 28-mm replacement. // Orthop Traumatol Surg Res. 2016 Dec;102(8):1029-1034.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида болалар ва аҳолининг бошқа заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечирishiни таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган⁴. Шунга мувофиқ равишда, болаларда чанок-сон бўғими касалликлари кечиши прогнозига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, зарарланган бўғимларни тўлиқ ва ўз вақтида ташхислаш, шунингдек ушбу гуруҳ беморларни радикал даволашга ёндашувларни такомиллаштириш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон ««Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Некроз туфайли келиб чиққан чанок-сон бўғимлари патологияси болаларда юқори ногиронликнинг сабаби ҳисобланади. Рубашкин С.А., Зоткин А.В.⁵ маълумотларига кўра, «таянч-ҳаракат аппарати шикастлари ва касалликлари оқибатида ногиронлик таркибида остеохондропатиялар улуши 27% ни ташкил этади, бу эса шикастлар оқибатидаги ногиронликлардан 2% га ортиқ». Yao C⁶ маълумотига кўра, барча остеохондропатиялар ичида Пертес касаллиги 3 дан 13% гача ташкил қилади. Сон суяги бошчаси асептик некрози ривожланиши тўғрисида турли тиббий назариялар мавжуд. Trăistaru MR⁷ ва Schmolders J⁸ фикрга кўра, «сон суяги бошчаси асептик некрози патогенезида ҳар қандай ишемик ўзгаришларга юқори сезгирлиги билан

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

⁵ Рубашкин С.А., Зоткин А.В. «Особенности диагностики и лечения болезни Пертеса»// Медицинская визуализация. №2,2012. С.-121-124.

⁶ Yao C, Yi N, Shen J, Du B, Sun G, Shu H, Zhang C. Clinical reports of surgical dislocation of the hip with sequestrum clearance and impacting bone graft for grade IIIA-IIIB aseptic necrosis of femoral head (ANFH) patients. // Oncotarget. 2017 Jul 25;8(30):50084-50090.

⁷ Trăistaru MR, Kamal D, Kamal KC, Rogoveanu OC, Popescu M, Bondari S, Alexandru DO, Ionovici N, Grecu DC. Imaging and histopathological aspects in aseptic osteonecrosis of the femoral head. // Rom J Morphol Embryol. 2015;56(4):1447-53.

⁸ Schmolders J, Amvrazis G, Pennekamp PH, Strauss AC, Friedrich MJ, Wimmer MD, Rommelspacher Y, Wirtz DC, Wallny T. Thirteen year follow-up of a cementless femoral stem and a threaded acetabular cup in patients younger than fifty years of age. // Int Orthop. 2017 Jan;41(1):39-45.

ажралиб турувчи ёпиқ бўлмани касб этган сон суяги бошчаси тузилишининг хусусиятлари асосий аҳамиятга эга».

Замонавий диагностика усуллари (компьютер ва магнит-резонанс томография) ни қўллаш жараён ривожланишининг рентгенолигик босқичига қадар соннинг бошчасида юзага келган патологик ҳолатни аниқлаш имконини беради. Катта ёшлиларда сон суяги бошчасининг асептик некрозини даволаш муаммоси бугунги кунгача долзарблигича қолганлигини ушбу муаммога мутахассислар диққатининг қаратилганлиги исботлайди (Yu L⁹). Консерватив ва оператив давонинг қўлланаётган турли усуллари кўпчилик клиник кузатувларда кутилаётган натижаларга эришиш имконини бермайди. Бу ҳолатларда консерватив ва оператив давонинг қониқарсиз оқибатлари сони анча юқори (18-27%) (Lee SH¹⁰). Бунинг оқибатида меҳнатга энг лаёқатли ёшда беморларнинг анчагина сони эрта ногиронликка учрайди.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили ҳозирги пайтда болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозида даволаш-диагностик тактика замонавий травматологиянинг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланишини кўрсатади. Қониқарсиз оқибатлар улушининг кўплиги, беморнинг ёши, деформация тури ва касаллик босқичини ҳисобга олиб давонинг оптимал усулини танлашнинг мавжуд эмаслиги ушбу соҳада тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ТОИТИнинг ИТД-11-сон «Тиббиётда касалликлар диагностикаси, профилактикаси, даволашининг янги технологияларини ишлаб чиқиш йўли билан аҳоли саломатлигини яхшилаш» (2015-2017йй.) ва АДСС-15-7.3. «Болаларда таянч-ҳаракат аппарати шикасти оқибатлари ва туғма деформациялари диагностикаси ва даволашни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2015-2017йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқотлар режасига мос равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий диагностик текширувларни қўллаш ва оператив давонинг янги усулларини ишлаб чиқиш йўли билан болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда сон суяги бошчаси асептик некрози ривожланишининг асосий сабаблари таркибини аниқлаш;

болаларда сон суяги бошчаси асептик некрози диагностикасида нур ташхис усулларини қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослаш;

⁹ Yu L, Zhang CH, Guo T, Ding H, Zhao JN. Middle and long-term results of total hip arthroplasties for secondary post-traumatic arthritis and femoral head necrosis after acetabular fractures. // Zhongguo Gu Shang. 2016 Feb;29(2):109-13.

¹⁰ Lee SH, Lee GW, Seol YJ, Park KS, Yoon TR. Comparison of Outcomes of Total Hip Arthroplasty between Patients with Ankylosing Spondylitis and Avascular Necrosis of the Femoral Head. // Clin Orthop Surg. 2017 Sep;9(3):263-269.

тажрибада асептик некрозда сон суяги бошчасининг ва бўйинчаси некроз соҳасини имплантация ва пломбалаш учун гел ҳолидаги «Коллапан» қўлланишининг самарадорлигини аниқлаш;

болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини оператив даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг клиник самарасини баҳолаш;

сон суяги бошчаси асептик некрози билан беморларда консерватив ва оператив даво усуллари натижаларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сон суяги бошчаси асептик некрози билан ЎзР ССВ ТООИТИ болалар ортопедияси бўлимида даволанган 193 нафар бола ҳамда лаборатор ҳайвонлар («Калифорния» зотли 21 та қуён) олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб сон суяги бошчаси асептик некрози билан оператив даволанган болаларда клиник, ультрасонография ва бошқа нур ташхис усуллар натижалари ҳамда ҳайвонларнинг тўқимасини экспериментал-морфологик ўрганиш натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш мақсадида: рентгенологик, ультратовуш, экспериментал, морфологик, доплерографик, мултислайс компьютер томография, рентген денситометрик ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

асептик некроз жадаллашуви ва оғир коксартроз ривожланишининг олдини олиш учун болаларда сон суяги бошчаси некроз соҳалари ўрнини имплантат билан эрта қоплаш усули ишлаб чиқилган;

чаноқ-сон бўғими соҳасида қон айланиш ва озиқланишни яхшилашга қаратилган суякли ва пай-мушакли пластикани қўллаб сон суяги асептик некрозини оператив даволашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

болаларда сон суяги бошчаси асептик некрози кечиши оғирлигини баҳолашнинг клиник-нур ташхис мезонлари ва патологик жараён жадаллашуви хавф омиллари ишлаб чиқилган;

сон суяги бошчаси асептик некрозида некроз ўчоғини имплантация ва пломбалаш учун «Коллапан» гели қўлланиш имконияти экспериментда исботланган;

болаларда ёши, сон суяги бошчаси асептик некрози тури ва оғирлик даражасини ҳисобга олиб консерватив ёки оператив давонинг турли усулларини қўллаш кўрсатмалари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сон суяги бошчаси асептик некрози билан болалар клиник-нур ташхиснинг ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари эрта диагностика сифатини яхшилаш ва консерватив ёки оператив даволаш адекват турини танлашни оптималлаштириш имконини берган;

сон суяги бошчаси некроз соҳалари ўрнини замонавий имплантатлар билан босишнинг таклиф этилган камшикаст усули, шунингдек, анатом-функционал ўзгаришлар турига қараб аралашувларнинг замонавийлашган тактик-техник жиҳатлари, болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини

даволаш самарадорлигини ошириш, ногиронлик частотасини ҳамда меҳнат ва ижтимоий чекланишларни камайтириш имконини берган;

авайлаб бажарилувчи тактикага асосланган хирургик операцияларни қўллаш болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозининг турли кўринишларида чаноқ-сон бўғими шакли ва фаолиятини тиклаш имкониятини оширган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, экспериментал, морфологик, статистик усуллар билан асосланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамият касб этиб, болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозининг диагностикаси ва даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшишидан иборат. Асептик некроз жадаллашуви ва оғир коксартроз ривожланиши олдини олувчи сон суяги некроз соҳалари ўрнини имплантат материаллар билан босишнинг эрта камшикаст усули таклиф этилган. Ишнинг айрим натижалари болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозининг патогенези, клиникаси, диагностикаси ва даволашга бағишланган мавзулар бўйича курсантларни ўқитиш дастури мазмуни ва таркибини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сон суяги бошчаси некроз соҳалари ўрнини замонавий имплантатлар билан босишнинг таклиф этилган ва тадбиқ этилган камшикаст усули, шунингдек, анатом-функционал ўзгаришлар турига қараб аралашувларнинг замонавийлашган тактик-техник жиҳатлари даволаш самарадорлигини оширганлиги, ногиронлик частотасини ҳамда меҳнат ва ижтимоий чекланишларни камайтириш имконини берганлигидан иборат. Сон суяги бошчаси асептик некрози билан болалар клиник-нур ташхиснинг ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари ва алгоритми эрта диагностика сифатини яхшилаш ва консерватив ёки оператив даволаш адекват турини танлашни оптималлаштириш имконини берган

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини даволаш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05326, 2017). Ишлаб чиқилган усулни қўллаган ҳолда сон суяги бошчаси асептик некрози бўлган болаларни оператив даволаш сон бошчаси эпифизи тикланиш муддатини қисқартириш имконини берган;

болаларда сон суяги бошчаси асептик некрози кечиши оғирлигини баҳолашнинг клиник-нур ташхис мезонлари асосида «Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозининг диагностика дастури» ишлаб чиқилиб, соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 17 октябрдаги 8н-д/34-сон маълумотномаси).

Таклиф этилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари асоратлар частотасини камайтириш, ушбу беморлар гуруҳини даволаш ва реабилитациясига ҳаражатларни қисқартириш имконини берган;

болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозларининг диагностикаси ва даволаш сифатини яхшилаш бўйича тадқиқот натижалари Тошкент ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Республика болалар ортопедияси маркази фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 17 октябрдаги 8н-д/34-сон маълумотномаси). Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини даволашга таклиф этилган комплекс ёндашувнинг қўлланиши даволашнинг узок муддатдаги «ижобий» натижалар частотасини 63,6% дан 88,8% гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конгресс ва конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 11 та мақола, улардан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган текширувнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, текширув мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда турли сон суяги бошчаси асептик некрозларини ташхислаш ва даволашда замонавий қарашлар**», деб номланган биринчи бобида сон суяги бошчаси асептик некрози шаклланиши ва этиопатогенезига бағишланган илмий манбалар таҳлили келтирилган. Остеохондропатиялар таснифи, ташхислаш усуллари, консерватив ва оператив даволаш усуллари кўрсатилган, сон суяги бошчаси асептик некрозининг ривожланиш сабаблари, қиёсий ташхислаш ва даволашда олинган натижалари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва ишлатилган текширув усулларининг клиник характеристикаси**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва шунингдек, ишлатилган текширувлар ҳақида умумий маълумот кўрсатилган.

Қуйидаги илмий ишда 2010 йилдан 2016 йиллар оралиғида ЎзР ССВ Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти болалар ортопедияси бўлимида даволанаётган сон суяги бошчаси асептик некрози ташхиси билан 193 та бемор болаларнинг клиник, инструментал, лаборатор текширувлари, консерватив ва оператив даволаш тадбирлари натижаларига асосланади.

193 та текширилаётганларнинг 112 таси (58%) ўғил болалар, 81 таси (42%) эса киз болалар. Беморлар ёшга боғлиқ равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинди: 3 ёшгача (n=21), 3–6 ёш (n=62), 7–11 ёш (n=73) ва 11–17 ёш (n=37). Сон суяги бошчаси асептик некрозини асосан қуйидаги турлари учради: остеохондропатиялар (n=104), сон суяги туғма чиқиши (n=89).

Касаллик бошланиш муддатига кўра тиббий ёрдамга муурожаат қилганлар: тезда (n=46), 6 ой ичида (n=54), бир йилдан сўнг (n=51), 1,5 йилдан сўнг (n= 46).

Диссертациянинг «**Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини клиник-инструментал текшириш усуллари натижаларининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида сон суяги бошчаси асептик некрози ташхиси бўйича маълумотлар келтирилган.

Болалардаги сон суяги бошчаси асептик некрозини рентгенологик ва МСКТ текширувларида қуйидаги белгилар аниқланган: Гейдж «Gage's» белгиси, сон суяги бошчаси эпифизининг латерал қисми кальцификацияси, сонинг латерал чиқиш олди ҳолати, сон бошчаси ўсиш пластинкасининг горизонтал ҳолати ва сон суяги проксимал қисми метафизида кисталар.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, сон суяги бошчаси асептик некрози салбий кечишида сон суяги бошчасининг латерал чиқиш олди ҳолати энг кўп учраган. Касаллик салбий кечиши ҳавфи белгиларини кўпайиши сон суяги бошчасининг жуда оғир зарарланганидан далолат беради.

Рентгенологик текширув усули барча болаларда ўтказилган. Сон суяги бошчаси асептик некрози бўлган болаларда чаноқ-сон бўғинининг бурчакли кўрсаткичлари ўрганилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Сон суяги бошчаси асептик некрози бўлган болаларда чаноқ-сон бўғинининг бурчакли кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Сон тугма чиқиши	Пертеса касаллиги
Буйинча-диафизар бурчаги (N-130-142°)	143,4+2,332	142,6+11,27
Антеторсия бурчаги (N-10-40°)	25,6+11,39	26,6+11,17
Ацетабуляр бурчак (N-17-18°)	30,8+6,734	22,8+8,289
Шарп бурчаги (N-40-50°)	51,4+4,019	46,8+5,035
Вибер бурчаги (N-19-30°)	23+12,85	19,4+7,391
Вертикал мутаносиблик бурчаги (N-80-90°)	83,4+3,321	89,2+0,976

Чаноқ-сон бўғини соҳаси қон томирларининг доплерографик текширувида сон суяги бошчаси асептик некрозининг бошланғич босқичлари билан беморларнинг бир қисмида қон айланишининг меёрда ёки шунга яқин кўрсаткичлари аниқланган.

Касалликнинг III ва IV босқичларида икки томонлама зараланишда айланиб ўтувчи артерияларда қон айланишининг камайиши, бир томонлама деформацияларда эса чап ва ўнг чаноқ-сон бўғими қон томирларида қон айланишининг патологик томонда камайиши ҳисобига асимметрияси кузатилган.

Суякнинг минерал зичлиги (СМЗ) умуртқа поғонасининг бел соҳасида икки энергетик рентген абсорбциометрия усулида аниқланган. Денситометрия натижаларининг таҳлили СМЗнинг камайиш даражаси боланинг ёшига қараб ортиб борганлигини кўрсатган. 11 дан 16 ёшгача беморларда СМЗ камайиши ишончли даражада бўлган. 3 дан 10 ёшгача болаларда бу кўрсаткич меёр чегарасида эди. СМЗнинг камайиши касалликнинг II ва III босқичларида учраши кўпроқ кузатилган (2-жавдал).

2-жадвал.

Сон суяги асептик некрози билан болаларда касаллик босқичига қараб денситометрия кўрсаткичлари (n =81)

Касаллик босқичи	I	II	III	IV	V
	n=8	n=28	n=37	n=6	n=2
Z-score	0,9±0,165	-1,7±0,129	-2,1±0,133	-1,2±0,112	-0,5±0,202

Диссертациянинг «**«Коллапан» гели таъсирида сон проксимал қисми суяк нуқсони остеорепарациясининг морфологик хусусиятлари динамикаси**» деб номланган тўртинчи бобидан, унда «Калифорния» зотли 21 та соғлом қуёнларда ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари тавсифланган. Жониворлар 7 тадан тенг гуруҳларга бўлинган: 2 та асосий ва 1 та назорат. Экспериментал тадқиқот бошланиши қуёнларнинг ёши 1 ёшлар атрофида бўлган. Сон суяги проксимал қисми суяк нуқсонидан остеорепарация жараёни сифати ва тезлигига таъсирини ўрганиш учун остеопластик «Коллапан» материални гел шакли қўлланган.

II гуруҳ ҳайвонларида суяк нуқсонини тўлдиришда «Коллапан» гели, III гуруҳда эса «Коллапан» гел билан бирга «Кальций-Д₃» препарати қўлланган бўлиб, уларни назорат гуруҳи билан бирга морфологик баҳолаш ўтказилган. Суяк тўқимаси регенерацияси ва нуқсон консолидацияси жараёнининг сезиларли тезлашиши аниқланган. Тажрибанинг 15-кунига келиб суяк трабекулалари ҳосил бўлган, суяк нуқсони эса дифференциаллашмаган бириктирувчи тўқима билан тўлган. 30-кунга келиб тўлган суяк-тоғайли регенерат етарлича суяк тўқимаси билан тўлган. III гуруҳнинг гистологик препаратларида остеорепарация жараёни бошқа гуруҳдаги каби кетма-кетликда бўлсада, уларга нисбатан анча жадал кечган.

Сон суяги катта дўнглигидан бошча ва бўйинчага қараб ҳосил бўлган нуқсонни «Коллапан» гели билан тўлдириш ва патогенетик тўғри танланган медикаментоз даво ўтказиш нуқсон битишини анчагина тезлаштирган.

Диссертациянинг «**Сон суяги бошчаси асептик некрози билан болаларни даволаш**», деб номланган бешинчи боби ушбу патологияни даволашнинг асосий тамойилларига бағишланган. Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрози босқичига қараб ташхислаш ва даволаш схемаси ишлаб чиқилган (3-жадвал). Сон суяги бошчаси асептик некрозининг босқичига қараб даволаш усулини танлаш алгоритми ва компьютер дастури (№DGU 04114) ишлаб чиқилган. Сон суяги бошчаси асептик некрозини даволаш консерватив ва хирургик усулларга асосланган. Консерватив даволаш абдукцион гипс боғламлари, абдукцион тиргак ва узангили кўлтиқтаёқлар, медикаментоз ва физиотерапевтик даволашдан иборат бўлган.

Хирургик даволаш касалликнинг босқичи ва сон суяги бошчасидаги қолдиқ ўзгаришларга боғлиқ равишда танланади.

Консерватив давонинг узоқ муддатдаги натижалари 1 дан 6 йилгача даврда 131 та беморда ўрганилган. Сон суяги бошчаси асептик некрози билан болаларни консерватив даволашдан сўнг яхши ва қониқарли натижалар, асосан, касалликнинг I ва II босқичида кузатилган. Демак, консерватив давони эрта бошлаш бола организмнинг барча компенсатор имкониятларини тўлиқ ҳажмда сафарбар қилиш ва яхши натижалар олиш имконини беради.

Сон суяги бошчаси асептик некрози билан болалар, айниқса, касалликнинг бошланғич босқичларида, консерватив даволаниши лозим. Соннинг туғма чиқиши туфайли сон суяги бошчасининг асептик некрозида ўз вақтида консерватив даволаш биринчи даражадаги аҳамиятга эга. Бунинг учун, Шептун бўйича гипс боғлам ёки бошқа абдукцион боғламлар қўйилганидан кейин болалар шифокорнинг доимий назоратида бўлиши шарт. Чанок-сон соҳаси шиши ва кучли оғриқлар бўлганида гипс боғламини сусайтириш ва абдукцион бурчакни камайтириш бузилган қон айланиш ва бўғим соҳасида юмшоқ тўқималар трофикасини тиклаш имконини беради.

Сон суяги бошчаси асептик некрози билан 131 та боладан 106 тасида (89,1%) яхши ва қониқарли, 25 та (21,1%) беморда эса қониқарсиз натижалар кузатилган. Консерватив даволаш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, фақатгина даволаш ўз вақтида ва эрта бошлангандагина энг яхши натижаларга эришиш мумкин. Кичик ёш гуруҳ болаларида консерватив давонинг энг яхши натижалари кузатилган.

3-жадвал. Сон суяги бошчаси асептик некрози билан болалар диагностикаси ва даволаш схемаси

Босқич	Давомийлик	Клиник белгилар	Диагностика	Даволаш чоралари
Субхондрал некроз	6 ойгача	Тизза ва чаноқ-сон бўғими(ЧСБ)да оғрик, сон мушаклари гипотрофияси	1. Лауэнштейн ҳолатида рентгенография 2. ЧСБ қон томирлари доплерографияси 3. МРТ ёки МСКТ	Ортопедик тартиб; ЧСБга тинчлик бериш; физиотерапевтик муолажалар; витаминлар. Операциялар: туннеллаш, некротик соҳани «Коллапан» гели билан пломбалаш
Импрессион синиш	6 ойдан 12 ойгача	ЧСБда оғрик, сон мушаклари гипотрофияси ёки атрофияси, ЧСБ контрактураси	1. Лауэнштейн ҳолатида рентгенография 2. ЧСБ қон томирлари доплерографияси 3. УТТ 4. Денситометрия	Ортопедик тартиб; ЧСБга тинчлик бериш; физиотерапевтик муолажалар; оғриқни олиш учун блокада; микроциркуляцияни яхшиловчи дорилар; витаминлар. Операциялар: туннеллаш ва пай-мушак кўчириб ўтказиш; Илизаров аппарати билан ЧСБга тинчлик бериш
Сон бошчаси фрагментацияси	1 йилдан 2 йилгача	ЧСБ да кучли оғрик, букилувчи контрактура, соннинг калталашувчи, юрганда оқсоқланиш, ҳолсизлик	1. Лауэнштейн ҳолатида рентгенография 2. ЧСБ қон томирлари доплерографияси 3. МРТ ёки МСКТ 4. Денситометрия 5. Оёқлар ЭНМГ	Ортопедик тартиб; ЧСБга тинчлик бериш; физиотерапевтик муолажалар; оғриқни олиш учун блокада; микроциркуляцияни яхшиловчи дорилар; витаминлар. Операциялар: Илизаров аппарати билан ЧСБга тинчлик бериш, сонда дўнгликости ёки дўнгликлараро коррекцияловчи остеотомиялар
Репарация	2 йилдан 4 йилгача	ЧСБда кучли оғрик, контрактуралар, соннинг калталашувчи, юрганда оқсоқланиш, оёқлар ҳолсизлиги	1. Лауэнштейн ҳолатида рентгенография 2. ЧСБ қон томирлари доплерографияси 3. МРТ ёки МСКТ 4. Денситометрия 5. Оёқлар ЭНМГ	Ортопедик тартиб; ЧСБга тинчлик бериш; физиотерапевтик муолажалар; оғриқни олиш учун блокада; микроциркуляцияни яхшиловчи дорилар; витаминлар, остеотроп дорилар, мўмиё. Операциялар: Илизаров аппарати билан ЧСБга тинчлик бериш, сонда дўнгликости ёки дўнгликлараро коррекцияловчи остеотомиялар
Қолдиқ ўзгаришлар	4 йилдан ортиқ	ЧСБ анатом-функционал ҳолати тикланиши ёки турли қолдиқ ҳолатлар: ЧСБ контрактуралари, сон калталашуви, юрганда оқсоқланиш, оёқлар ҳолсизлиги ва ҳ.к.	1. Лауэнштейн ҳолатида рентгенография 2. ЧСБ қон томирлари доплерографияси 3. МРТ ёки МСКТ 4. Денситометрия 5. Оёқлар ЭНМГ	Ортопедик тартиб; физиотерапевтик муолажалар; микроциркуляцияни яхшиловчи дорилар; витаминлар, остеотроп дорилар, мўмиё. Операциялар: сонда дўнгликости ёки дўнгликлараро коррекцияловчи остеотомиялар

Сон суяги бошчаси асептик некрози билан болаларни консерватив даволашдан кейин яхши ва қониқарли натижалар, асосан, касалликнинг I ва II босқичи беморларда кузатилган (4-жадвал).

4-жадвал

**Касаллик босқичига қараб консерватив даво натижалари
(абсолют кўрсаткичлар ва %)**

Касаллик босқичи	Даволаш натижаси			Жами
	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз	131
I босқичи	8	6	0	14
II босқичи	23	21	5	49
III босқичи	16	24	14	54
IV босқичи	2	4	3	9
V босқичи	-	2	3	5
	49 (41,2%)	57 (47,9%)	25 (21,1%)	

Диссертациянинг «Сон суяги бошчаси асептик некрозини оператив даволаш» деб номланган олтинчи бобида касалликнинг босқичи ва сон суяги проксимал қисми ҳолатига боғлиқ равишда оператив даволашга кўрсатмалар ва даволаш натижаларига бағишланган.

Хирургик аралашиларнинг мақсади бўлиб: сон суяги бошчасини қуймич қосасига нисбатан марказлашганлигига, бўғим юзаларининг мутаносиблигини нормаллашувига, чаноқ-сон бўғими стабиллиги ва зарарланган бошчада репарация ва қон айланиш жараёнини яхшилашни таъминлашдан иборат. Оператив даво 62 та (30%) болада ўтказилди. Қуйидаги операция турлари қўлланган: Болалардаги сон суяги бошчаси асептик некрозида қуйидаги операция турлари қўлланилди: – касаллик жадаллашувининг олдини олишга қаратилган операциялар («Коллапан» имплантацияси ва некротик ўчоқни пломбалаш); – сон суяги бошчасини декомпрессирловчи, сақлаш қолувчи операциялар; – сон суяги бошчаси мўлжаллини ўзгартиришга қаратилган операциялар; – гемодинамикани яхшилашга қаратилган операциялар; – реконструктив операциялар.

«Сон суяги бўйинчасини туннеллаш» 22 та болада бажарилди. Операция қуйидагича бажарилади. Бемор ёнбошда ётади. Вена ичи оғриқсизлантириш остида катта дўнглик устидан тери ва тери ости клетчаткаси ёйсимон 3-4 см кесилади. Тагидаги юмшоқ тўқималар ичидан сон суяги катта дўнглиги ажратилади. Электродрел ёрдамида соннинг катта дўнглигидан бошчаси томон 3-4мм ли парма билан 6-7 та канал тешилади. Жароҳат қаватма-қават тикилади. Тешилган каналлар суяк ичи босимининг нормаллашувига, янги ҳосил бўлган қон томирларнинг ўсишига, сон суяги бошчаси ва бўйинчасида гемодинамика ва трофиканинг яхшиланишига кўмаклашади. Тизза бўғимигача деротаторли гипс боғлам қўйилади.

Чаноқ-сон бўғимида янги томирлар ўсишини ва гемодинамикани яхшилаш учун бизда сон суяги бошчаси асептик некрозини оператив даволаш усули ишлаб чиқилди (Патентга ариза № IAP 2015 0171) – «Туннелизация ва мушакли оёқча билан суяк пластикаси» ва 18 та беморда қўлланди.

Операция техникаси: умумий оғриқсизлантириш остида ёнбош суягининг олдинги юқори қиррасидан сон суяги бўйинчаси ва катта дўнг соҳасигача 10–15 см узунликда «Z» симон шаклда тери кесилади, юмшоқ тўқималар қаватма-қават очилади ва сон суяги катта дўнги ажратилади. Сон суяги катта дўнги асосидан бўйинчага қараб диаметри 3–4 мм бўлган сверло билан электродрел ёрдамида 6–7 каналли туннелизация қилинади. Шундан сўнг m.sartorius келиб бириккан ёнбош суягининг олдинги юқори қиррасидан понасимон остеотомия қилинади ва озиклантирувчи оёқчали суяк-мушак трансплантати ҳосил қилиниб, сон суяги катта дўнг соҳасига мустаҳкамланади. Операция тугагандан сўнг, беморга 1 ойга коксит гипс боғлами қўйилади. Озиклантирувчи оёқчали суяк-мушак трансплантати сон суяги проксимал қисмида қон айланишининг яхшиланишига олиб келади. Бу турдаги операциялар 18 та бемор болаларда ўтказилди. Улардан 13 тасида Пертес касаллиги ва 5 тасида сон суяги туғма чиқишини консерватив даволагандан сўнг келиб чиққан асептик некротлардир.

Сон суяги бошчаси асептик некрозини ривожланишини ва импрессион синишни олдини олиш учун биз сон суяги бошчасидаги некротик ўчоқни «Коллапан» гель билан имплантация қилиш усулини ишлаб чиқилди ва 18 та беморда бажарилди.

Операция техникаси: бемор умумий оғриқсизлантириш остида соғ ёнбошига ётган ҳолатда операцион майдонни уч карра йод билан ишлов берилгандан сўнг сон суяги катта дўнги соҳасидан 2 см кесилади. Электродрель ёрдамида катта дўнг соҳасидан эпифизга қараб йўналтирилиб туннель ҳосил қилинади, некротик тўқима сўриб олинади ва ҳосил бўлган бўшлиқ «Коллапан» гель билан тўлдирилади. Яра қаватма-қават тикилади, операция чаноқ-сон бўғимини гипсли боғлами билан якунланади (Ихтиро учун патент «Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини даволаш усули» №IAP 05326, от 30.01.2017г.).

Чаноқ-сон бўғимида зўриқиш тушишини олдини олиш учун 4 та беморда даволашнинг **компрессион-дистракцион усули** қўлланилди. Бунинг учун 2 ҳалқадан иборат бўлган Илизаров аппарати ёнбош суяги қанотига ва 2 та ҳалқа сон суяги ўрта ва пастки учлигига ўрнатилди. Операция қуйидагича амалга оширилди: бемор ёнбошга ётади. Вена орқали оғриқсизлантириш остида сон суяги пастки учлигигача йоднинг спиртдаги эритмасида ишлов берилади, 2 жуфт ўзаро кесишувчи Илизаров сиклари ёнбош суяги қанотидан ва 2 жуфт сиклар сон суяги ўрта ва пастки учлигидан ўтказилади. Ёнбош суяги қанотидан ўтган сиклар 2 та ярим ҳалқага ва сондаги сиклар 2 та Илизаров ҳалқасига тортилади. Ҳалқа ва ярим ҳалқалар бир-бири билан стержен орқали бириктирилади. Шундан сўнг ҳалқа ва ярим ҳалқа оралиғида 3-4 мм орасида дистракция берилади. Операциянинг 2-кунидан беморга

кўлтиқтаёқ ёрдамида операция ўтказилган оёққа зўриқиш бермасдан юриш рухсат этилади. Илизаров аппаратида фиксация 2,5–3 ой давом эттирилди.

Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини оператив даволашнинг натижалари сон суяги проксимал қисми кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланган. Ўтказилган даволаш самарадорлиги мезонлари бўлиб ҳаракатлар ҳажмининг ортиши ва сон суяги бошчаси шаклининг тикланиши хизмат қилди. Узоқ муддатда натижаларни «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз», деб баҳоланган. Оператив давонинг узоқ муддатдаги натижалари 3 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда 62 та беморда ўрганилди. Чаноқ-сон бўғини фаолиятини баҳолаш Iowa Hip Score (max=100 б) шкаласи бўйича баҳоланди.

Кўрсаткич 85-100 баллни ташкил этганида «яхши», 60-85 балл - «қониқарли» ва 60 баллдан паст кўрсаткичлар «қониқарсиз», деб баҳоланди (5-жадвал).

5-жадвал

Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини даволашнинг узоқ муддатдаги натижаларини баҳолаш

Гуруҳ	Узоқ муддатдаги натижаларни баҳолаш						Жами
	«Яхши»		«Қониқарли»		«Қониқарсиз»		
	Абс	%	абс	%	абс	%	
Опер. даво	45	72,6	16	25,8	1	1,7	62
Конс. даво	49	37,4	57	43,5	25	19,1	131
	P<0,001		P<0,01		P<0,01		

72,6% (n=45) беморларда «яхши» натижалар кузатилди. Операция бажарилган беморларда шу кўрсаткич консерватив даволанганларга нисбатан ишончли фарқланган (P<0,001) (6-жадвал).

6-жадвал

Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини даволаш натижаларини оператив даво турига қараб баҳолаш

Операция номи	Натижалар		
	«яхши»	«қон-ли»	«қон-сиз»
Туннеллаш (n=22)	14 (63,6%)	7	1
Туннеллаш ва суякли пластика (n=18)	16 (88,8%)	2	-
Туннеллаш ва суяк-мушак трансплантатини кўчириш (n=18)	13 (72,2%)	5	-
Декомпрессияловчи операциялар ва Илизаров аппаратини қўллаш (n=4)	2 (50%)	2	-
Жами = 62	45 (72,5%)	16	1

Қиёсий натижалар шуни кўрсатдики, оператив аралашувларнинг барча турлари бўйича «яхши» натижалар улуши таклиф этилган усуллар гуруҳида бошқа гуруҳларга нисбатан сезиларли равишда баландроқ бўлган. Таклиф этилган усулларнинг узоқ муддатдаги натижалари 72,2-88,8% ҳолларда «яхши», деб баҳоланган.

ХУЛОСА

1. Болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозининг ривожланишига энг кўп ҳолларда Пертес касаллиги сабаб бўлади – 53,9%, асосан, 15 ёшгача, узок муддат консерватив даволанган сон суягининг туғма чиқиши – 46,1% (асосан 7 ёшгача).

2. Ультрасонография билан доплерография усули ва МСКТ касалликнинг эрта (I ва II) босқичларида рентгенографияга нисбатан юқори сезгирликка эга.

3. Касалликнинг III, IV ва V босқичларида чаноқ-сон бўғинида давом этаётган жараён бўйича маълумотни рентгенография бериб, Гейдж белгилари, сон бошчаси эпифизи латерал қисми кальцификацияси, сон бошчаси ўсиш пластинкасининг горизонтал ҳолати ва сон суяги проксимал қисми метафизидаги кисталар ўта оғир даражадаги остеопения ва остеопороз жараёнлари ҳақида далолат беради.

4. Сон проксимал қисми суяк нуқсони битишининг морфологик хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, табиий регенерациядан фарқли ўлароқ, «Коллапан» остеопластик материални патогенетик даволаш билан бирга қўллаш бирламчи ва иккиламчи остеорепарация жараёнларини қон томирлар ўсиб киришининг кучайиши ва янги ҳосил бўлган суяк тўқимаси етуқлигининг ортиши туфайли анча тезлаштиради.

5. «Коллапан» ёрдамида некроз ўчоғини пломбалаш ёки пай-мушакли пластика йўли билан имплантат қўллаш усулида болаларда сон суяги бошчаси асептик некрозини эрта оператив даволаш патологик жараён жадаллашиб кетишининг олдини олиш, қон айланиш ва регенерация жараёнини яхшилаш, шунингдек чаноқ-сон бўғимида функционал тикланишни тезлаштириш имконини беради.

6. Консерватив даволаганда 37,4% (131 тадан 49 тасида) ҳолларда яхши, 43,5% (57 та) беморда – қониқарли (асосан I ва II босқичларда) ва 19% (25 та) беморда қониқарсиз натижалар олинган; ўз навбатида, оператив даволаганда бу кўрсаткичлар, тегишли равишда, 72,6% (61 тадан 45 таси), 25,8% (16 та) ва 1,9% (1 та) ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ ЦЕНТРЕ
ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ТРАВМАТОЛОГИИ
И ОРТОПЕДИИ**

ВАЛИЕВА КАМОЛА НУРУЛЛАЕВНА

**КЛИНИКО-ЛУЧЕВАЯ ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ
АСЕПТИЧЕСКИХ НЕКРОЗОВ ГОЛОВКИ БЕДРЕННОЙ КОСТИ У
ДЕТЕЙ**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/Tib91

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте травматологии и ортопедии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Джураев Ахрорбек Махмудович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Поздеев Александр Павлович**
доктор медицинских наук, профессор

Ходжанов Искандар Юнусович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский Педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул.Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирован за №21). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2017 года).

Ф.Г. Назыров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н., профессор

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной Организации Здравоохранения «проблема асептического некроза головки бедренной кости (АНГБК) признается одной из наиболее серьезных угроз здоровью детей в связи с увеличением его частоты, низкой эффективностью при длительной традиционной консервативной терапии, сложностью и травматичностью оперативных схем лечения и протезирования сустава»¹. Высокая медико-социальная значимость в современном обществе определяется не только распространённостью данного заболевания, но и значительным экономическим ущербом в связи с частым развитием инвалидизации детей. «Одним из наиболее существенных факторов, влияющих на прогноз течения заболеваний тазобедренных суставов, является полная и своевременная диагностика поражения суставов, особенно на ранних стадиях формирования патологического процесса»². Между тем, «лишь у 6-8% всех заболевших диагноз устанавливается на первой стадии, когда появляются первые жалобы и клинические признаки, но рентгенологические признаки поражения головки бедренной кости отсутствуют или недостаточно убедительны»³.

На мировом уровне развитие современной травматологии, как и медицины в целом, напрямую зависит от стремления улучшить качество оказываемой специализированной помощи. Важной задачей является изучение особенностей клинических проявлений и патологических изменений в головке бедренной кости при различных формах асептического некроза у детей с применением современных лучевых методов исследования, что позволит улучшить качество ранней диагностики и выбор адекватного вида консервативного или оперативного лечения. На сегодняшний день наиболее актуальными остаются вопросы разработки малотравматичных способов замещения некротизированных участков головки бедренной кости современными имплантатами, приводящими к предупреждению прогрессирования асептического некроза. В том числе, немаловажным является разработка новых способов оперативного лечения асептического некроза головки бедренной кости, направленных на улучшение кровообращения и питания в области тазобедренного сустава.

За годы независимости предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В результате проведенных мероприятий, в том числе, достигнуты положительные результаты в оказании качественной, высокотехнологичной травматологической помощи.

¹ Всемирный доклад о профилактике детского травматизма. Женева: Всемирная организация здравоохранения, 2014.

² Murphey MD, Foreman KL, Klassen-Fischer MK, Fox MG, Chung EM, Kransdorf MJ.// From the radiologic pathology archives imaging of osteonecrosis radiologic-pathologic correlation // Radiographics. 2014 Jul-Aug;34(4)

³ Ancelin D, Reina N, Cavaignac E, Delclaux S, Chiron P. Total hip arthroplasty survival in femoral head avascular necrosis versus primary hip osteoarthritis: Case-control study with a mean 10-year follow-up after anatomical cementless metal-on-metal 28-mm replacement. // Orthop Traumatol Surg Res. 2016 Dec;102(8):1029-1034.

Несмотря на проводимые целевые меры в системе здравоохранения на сегодняшний день, в том числе в травматологии имеются ряд задач ожидающих своего решения. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи детям и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности⁴. В соответствии с этим изучение факторов, влияющих на прогноз течения заболеваний тазобедренных суставов у детей, полная и своевременная диагностика поражения суставов, а также совершенствование подходов к радикальному лечению этого контингента больных является одним из актуальных направлений для исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» за № УП-4985 от 16 марта 2017 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О государственной программе «Год здорового ребенка»» за № ПП-2133 от 19 февраля 2014 года и «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Патология тазобедренных суставов некротического генеза является причиной высокой инвалидизации детей. По данным Рубашкин С.А., Зоткин А.В.⁵, «в структуре инвалидности вследствие повреждений и заболеваний опорно-двигательного аппарата на долю остеохондропатий приходится 27%, что на 2% больше, чем инвалидность вследствие травм». Среди всех остеохондропатий болезнь Пертеса составляет, по данным Yao C⁶, от 3 до 13%. Существуют разные медицинские теории о развитии асептического некроза головки бедренной кости. По мнению Trăistaru MR⁷ и Schmolders J⁸, «в патогенезе асептического

⁴ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

⁵ Рубашкин С.А., Зоткин А.В. «Особенности диагностики и лечения болезни Пертеса»// Медицинская визуализация. №2,2012. С.-121-124.

⁶ Yao C, Yi N, Shen J, Du B, Sun G, Shu H, Zhang C. Clinical reports of surgical dislocation of the hip with sequestrum clearance and impacting bone graft for grade IIIA-III B aseptic necrosis of femoral head (ANFH) patients. // Oncotarget. 2017 Jul 25;8(30):50084-50090.

⁷ Trăistaru MR, Kamal D, Kamal KC, Rogoveanu OC, Popescu M, Bondari S, Alexandru DO, Ionovici N, Grecu DC. Imaging and histopathological aspects in aseptic osteonecrosis of the femoral head. // Rom J Morphol Embryol. 2015;56(4):1447-53.

⁸ Schmolders J, Amvrazis G, Pennekamp PH, Strauss AC, Friedrich MJ, Wimmer MD, Rommelspacher Y, Wirtz DC, Wallny T. Thirteen year follow-up of a cementless femoral stem and a threaded acetabular cup in patients younger than fifty years of age. // Int Orthop. 2017 Jan;41(1):39-45.

некроза головки бедренной кости, основную роль играют особенности строения головки бедренной кости, представляющей собой закрытый отсек, отличающийся повышенной чувствительностью к любым ишемическим изменениям».

Использование современных методов диагностики (компьютерной и магнитно-резонансной томографий) предоставляют возможность выявить возникшее патологическое состояние в головке бедра на дорентгенологической стадии развития процесса. Проблема лечения асептического некроза головки бедренной кости у взрослых актуальна до сегодняшнего дня, о чём свидетельствует неослабевающее внимание специалистов к этой проблеме (Yu L⁹). Используемые различные способы консервативного и оперативного лечения в большинстве клинических наблюдений не позволяют получить желаемые результаты. При этом количество неудовлетворительных исходов консервативного и оперативного лечения остаётся весьма высоким (18–27%) (Lee SH¹⁰). Следствием этого является ранняя инвалидизация значительного числа больных наиболее трудоспособного возраста.

Проведенный анализ литературы свидетельствует о том, что в настоящий период лечебно-диагностическая тактика при асептическом некрозе головки бедренной кости у детей относится к одной из актуальных и до конца нерешённых проблем современной травматологии. Значительный процент неудовлетворительных исходов, отсутствие выбора оптимального способа лечения с учётом возраста больного, вида деформации и стадии заболевания побуждают на дальнейшие изыскания в этой области.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ НИИТО МЗ РУз за № НТП-11 «Улучшение здоровья населения путём разработки новых технологий диагностики, профилактики, лечения заболеваний в медицине» (2015-2017 гг.) и АДСС 15 7.3. «Разработка и совершенствование диагностики и лечения последствий повреждений и врождённых деформаций опорно-двигательного аппарата у детей» (2015-2017 гг.).

